

Рожий, Сулаймонкул уста Суяркул ўгли (1871 — Кўкон — 1924.11.11) шоир, хаттот. Кўкон мадрасаларида тахсил кўрган. Рожий ишкий газаллар, сатирик шеърлар, таърихлар ёзган. Уларда самимий мухаббат улугланган, 1-жахон уруши воқеалари акс этган, инсоннинг жамиятда тутган ўрни ва кадр-кимматига баҳо берилган. 880 мисра шеър, 400 дан ортиқ макол ва хикматли сўзларни ўз ичига олган «Зарбулмасал» асарида шоирнинг гуманистик ҳамда дидактик қарашлари, даврнинг ижтимоий масалаларига муносабати акс этган. Рожий 20-аср вақтли матбуотида ҳам фаол қатнашган. Жумладан, М. Бехбудийнинг «Ойна» журналида унинг 2 та шеъри босилган. Рожий Навоийнинг «Мажолис уннафоис» ва «Хамсат ул-мутахаййирин» асарларини кўчирган. Рожий асарларидан баъзиларини ўз ичига олган, Абдулмажид Котиб томонидан тузилган кўлёзма баёз Кўкондаги Гафур Гулом номидаги адабиёт музейида сақланади.

ЗАРБУЛМАСАЛ

Канча иш бўлса бугун кечга кетар,
Сабр қилсанг гўрадин халво битар.

Етишурсен йикилиш пайгомига,
Бемахал чикма бировни томига.

Эҳтиёт этмакка келмиш ушбу панд,
Дар таваккал зонуи шутур бибанд.

Мулк хаддидин ўтиш яхшимидур,
Кўшнини ўгри тутиш яхшимидур.

Пойгачининг икки кўзи говдадур,
Бўрини хар дам қулоғи овдадур:

Гарчи давлатда эурсен Бойкаро,
Сен тарозу бошига аввал каро.

Токи ўтгайсан жахондин пеш ўлуб,
Тўқими ўн танга, эшак беш ўлуб.

Эгнингга сол шолчау гўлонани,
Такма эшак бўйнига дўлонани.

Хар на бўлса холатинг кўриб тириш,
Ташқари қилма қуюшқондин бир иш.

Яхшимидур сендин, эй бемоя мўр,

Сурфа коку том бошида кўш танўр.

Ўз хисобингни билиб юр моядин,
Ким сўрар ой бошини девонадин?..

Тут омонатни наку бир кун бўлур,
Пичок ўлса йўк, софи олтин бўлур.

Ваъдада тургил, ўзингни йикмвгил,
Рост бўл, аргамчига ун тикмагил.

Таълим олмоқдин киши ўзда колар,
Устаси йўк хар макомда йўргалар.

Бўлмаса илми кишини не деюр,
Кнм козонда бўлса, чўмичга чикур.

Ер кўтарилмас чунончи осмон,
Минг семурсин, чумчук ўлмас ботмон

Кўйса жохил олим ўрнига кадам,
Болта келгунча олодур кунда дам.

Ўртага тушсин кими бўлса кучи,
Сўйса чумчук, кассоб ўлсин сўйгучи.

Сўзни оч укканга, эй озодакор,
Ким чалур эшак кулогига дутор.

Машварат килгил, кими бўлса кари,
Ким кари билгонини, билмас пари.

Тўгриликда гар жахонда тоқдур,
Бекни огзи койдадур, боймоқдур.

Дўст отин кўймагил авроқда,
Кой кийик турмиш ишонган тоғда.

Равшан этмишдур самодан то самак,
Кассоб ўлса ошно бергай суяк.

Панд сенга ким берур ситез эмас,
Ошнодин топ, демок бежиз эмас.

Сабр килмоқ бирла кил ўзни тўкуз,
Бошга тушса тортадур албатта кўз.

Кимки эхсон килди, ул топди нажот,
Кой огиз ейдур хам ул чекти уёт.

Хайр килмай ўзни одам чоглама,
Сен козонинг аслв сувга боглама,

Кўз тутурдин ким бўлибдур бениёз,.
Хадя бўлсин, гарчи хам бўлса пиёз.

Корни тўкни корни очдан йўк хабар,
Тўйга борсанг бор тўйиб, жон писар.

Тўкилурса гар қариб кўзу қоши,
Кимки бермасдур анинг пишмас оши.

Кўрмагил андинки дур неку сияр,
Яхшида бўлмас ярог, килма хазар.

Ёпмас огзини ким, хаёти уйрилур,
Болтадин тоймас хўкуз бўлса ўлур.

Кил тааммул, килма ўзга ўт ёкиб,
Сен кизини ол, онасига бокиб.

Йўлда йўлчи, овчи овда хўб эрур,
Киргиз ўлса ким ўтовда хўб эрур.

Колдиларму поклар бу дам аро,
Яхшига кун йўқдурур олам аро.

Истикоматлик киши масрур эрур,
Ким мусофирдур, масалда кўр эрур.

Ўзни ёлгуз ташлама сен бемахал,
Кўпчилик не бўлса, сен хам бўл ўшал.

Ки югурур бўлса огиз ошгадур,
Чопмоки хам тилу огиз бошгадур.

Машраби кенг ўлса кўнгул сайлагай,
Тор ерда ким тамошо айлагай.

Сен нихон сир устин очма, эй гани,
Гар ёпукликдур козон, ёпгил ани.

Бирни розин беркитурга гам егил,

Тева кўрдингму деганда, йўк дегил.

Хеч кимнинг тушмасун асло иши,
Оч ила сўзлар ажал етган киши.

Тутса тонг йўк тоабод устун макон,
Шум бўлур хар ерда шогирди калон.

Оркасидин гарчи совук сўз -юрур,
Одамини бил, юзи иссик эрур.

Ўзни тўк тутмок эмас доно иши,
Очлигинин ўлмашишдур хеч киши.

Имтихонсиз ошнони йўклама,
Тарвуз эрса хом агар кўлтуклама.

Жахл бирла бошлама харгиз уруш,
Хеч кишига бўлмагил ковунфуруш.

Бирга хў килма фйреб бермррка,
Кўйнини тўлдирма пуч ёнгокка.

Кенг тутгил кўнглинг, ўл сохибтамыз,
Кирк кишига етган эрмиш бир майиз.

Сен емокка кйлмагил хў кандни,
Канд ерсен, лек ерсен пандни.

Аччик эрмиш ушбу сўз, хушёр тур,
Ким демишдурлар ширинлиг яхшидур.

Индагандан индамаслик яхширок,
Индасанг, бошингга теккайдур таёк.

Кар эшитгонига асло тўймагай,
Кўр тутгонини харгиз кўймагай.

Жойи бор хар сўзни, эй олиймаком,
Эски огизму тилар янги таом.

Мардум ичра шўру гавго солма, сен,
Шаллакилик бирла енгиб олма, сен.

Рахм кил, хар кимни кўй ўз йўлига,
Бермагил жонини олиб кўлига.

Мажлис ичра тухми бежо сепма, сен,
Хар каю сўзни белига тепма, сен.

Шиквани базми курилса, нори тур,
Тушса юз юзга, хижолат келтирур.

Билмайин сен очма савдо устини,
Тут айикни, сўнгра сотгил пўстини.

Кай эшик эрмиш якинрок, они кок,
Сен узокни сўзига солма кулок.

Катталик айлаб ўзингни бузма, сен,
Сайратиб тўпхонани юргузма, сен.

Айронинг йўк чанкаганда ичмока,
Сен кумуш кўприк тиларсен ўтмока.

Боби ишрат дафъатан боз ўлгаму,
Бир гул очилган билан ёз ўлгаму.

Касри давлат ичра ким ўзни урар,
Хар тегирмон навбати бирла юрар...

Кимки бўлса, яхшилик жомин туза,
Кўйма тарбуз пўстини йўлинг уза.

Мухбир ўлсанг, хак сўзидии туз макол,
Бўлгай эрмиш кайда элчига завол?..

Зулм килмоклик дўконин курмагил,
Хўкузингни бўйнини шиштурмагил.

Гафлатдаги душман уза ўзни отма,
Ухлоқ эса каерда илон, уйготма.

Бу тарз иладур замонанинг ишига вой,
Халвони хокиму етим калтакни егай, хой.

Толеъ билибон давлат элини топкай,
Икбол хам они, тешасизни чопкай.

Олурлар они молин жою бежой,
Бўш эрса кою дарахт курт егай, хой.

Туз эр ким эса, толеи юз ўгурар,

Бахтни ўшал хамиша уйкуда кўрар.

Ошуфталигу йўклиг ила умр сураp,
Лек ёмон эрни ошуги олчи турар.

Дасти кўтах холи бўлгондур табох,
Чикмасун галтакка хамён ҳеч гох.

Одам ўлсун ёг кесурдин вакти чок,
Устухонга етмасун асло пичок...

Хирс зиндонида ўзни йитмагил,
Беш кўлингни огзингга сен тикмагил.

Давлатингга дам бериб чолишмагил,
Ушбу дамлар бирла харгиз шошмагил,

Сўрма фосикдин риёзат холини,
Ёки кочгандин уруш ахволини.

Ким ичи ўнгидадур, кўз бахшидур,
Ким эрур ўнги ичида, яхшидур.

Койдадур бечора бор, ранги сорик,
Корд топилмас хўкиз бўлса орик.

Кимни ким огзи кулогига етур,
Аклини билгил кафосидин кетур.

Ёр эса сен бирла яхши бирлиги,
Йўк кераклик тошнинг огирлиги.

Кўнгил узгил тунбази даввордин,
Нафъ олмас кон кусар заввордин.

Гам ема, хар чиз оз ўлеа, етар,
Киссага кайтарма, кўп бўлса кетар.

Сен жазо майдонида бўлма чўлок,
Бирни айбига бўлиб кўзу кулок.

Зулмнинг ўтини асло ёкмагил,
Сен биров бошида донак чакмагил.

Етти гўлахга кўюб ўт, бўлма паст,
Койда бўлса маърака, берма шикаст,

Бирни боши узра феълинг бузмагил,
Сен тегирмон тошини юргизмагил.

Кимки топти мардлик ичра масал,
Боши кетса, сўзидин кетмас ўшал.

Бўлмасанг сувчи, не килгайсен юзиш,
Кўчкор ўлса шохсиз, билмас сузиш.

Дўст бирла имтихон килгил талош,
Билса, хурмо, билмаса бер анга тош.

Гар топай десанг хаводисдин омон,
Яхшига яхши, ямонга бўл ёмон.

Колмагил кўпдин, сен эрсанг борар,
Ёлгиз отни чанги чикмас чопса гар.

Яхшилиг килгил, агар ёр истасанг,
Юсуф ўлгил, сен харидор истасанг.

Бўлмогил бадгўю бадгуфтор хам,
Гўшхо дорад дару девор хам.

Обрўйипг тўкма, сўзлаб ичма кон,
Индамасликдур жавоби ахмокон.

Тарбият ноахлга килгай асар,
Турса гунбаз устида ёнгок агар.

Кимки ўз-ўзи силик, сўзи силик,
Бил, ёмонга ортик ўлмиш бир килик.

Юрмаса ким тўгри, сўкмок келтирур,
Эгри калтак эгри тўкмок келтирур.

Софдил нопоклардин тўлганур,
Тушса хавз ичра агар ит булганур.

Берма кўнглинг нафси шайтон шўрига,
Кўйни топширмок бўлурму бўрига.

Бўлса мажлис, тўрига олма ўзинг,
Келса миршаб, мўрига олма ўзинг.

Кизи бор уйга коровул бўлмагил,

Тайёр ошга сен баковул бўлмагил.

Жон гаров, жома гаров кил ўзни, сен,
Жойига кўйгил хамиша сўзни, сен.

Вакти меҳнатда нединдур кочишинг,
Арпа пишганда магар тушмас ишинг?

Борма хирмонга, узокда тўк эсанг,
Донини олма, бошокда йўк эсанг.

Хар киши юк ўз отига ортадур,
Ўз кўмочига кулини тортадур.

Бўлмагил хайли хиёнат бастаси,
Олтин ўлгай йўк пичокни дастаси.

Хеч уйдин сен сугурма бир хавон,
Хеч юздин урма тўксон, эй жавон.

Кўз олайтургон на билгай ўзини,
Касд килгон, паст килгай ўзини.

Маълум ўлмиш дунёда жумла билур,
Ким казур гар чох, ўзи йикилур.

Килма бирни молини олмок хаёл,
Кўйнидин тўкилса, сен кўнжига сол.

Барчани яхши дегил, ўзни ёмон.
Жумлани бугдой билу ўзни сомон.

Ёшликдин маълум ўлгай хар насл,
Ки бахоридин билингай яхши йил.

Яхшидин бўлмас ёмон асло тўкуш,
Келмагай лочин уйидин бойкуш.

Хом кумушдин пишса шолгом куч берур,
Йўк товукдин, бор юмуртка хўб эрур.

Жулдур ўлган етишур жононага,
Тушгай ойнинг ёруги вайронага.

Хешро оро дихад, бад бадтар аст,
Гар жули атлас бипўшад, хар хар аст.

Ўзни энкаймас такаллуфга солур,
Кайда бўлса тева чўкса жой олур.

Ётти хеш айламаслар дунёда,
Танимасни сийламаслар дунёда.

Хеч киммат йўкки, беҳикмат эмас,
Хеч арзон йўкки, беиллат эмас.

Дўст нодон ўлсау, душман — фахим,
Кўргасен андин сакар, бундин наим.

Кўл узатма бесабаб озорга,
Тўгри келмас уй сўзи бозорга.

Шиквадин хомуш бўлгил субху шом,
Ўзни билгил, ўзгани кўйгил мудом. ,

Кавламоқдин ўт ўчодур окибат,
Кўшни хам андин кўчодур окибат.

Сен ёмон сўз килмау, бўлма тараб,
Яхшилардин колмагандур хеч гап.

Галвани килма кулокка жойгир,
Бошад аз карнайчи як пуф дилпазир.

Жохил айтса сўз килур доно киёс,
Ханграса эшак солурлар беда тос.

Сен кулогингни кўзингдек билмагил,
Гар эшитсанг, кўрганингдек билмагил.

Ишда йўк, хар кайдадур шармандадур,
Кимки жўянда эрур ёбандадур.

Ётмагил оламда, эй ёр, ишлагил,
Бекор ўлганнингча бекор ишлагил.

Одам эрсанг, сен бир ишни кил хавас,
Бехунарро хар хамегўянд бас.

Сўз курук бўлса, кулокка ёкмагай,
Тепалик сори караб-сув окмагай.

Фикри будбул донмо гудда эрур,

Бил хисобли дўст кўнгулда эрур,

Сўрма акча, гарчи сенга ёр эрур,
Ки олурни, берури хам бор эрур.

Тонугил кўзингни борида йўлунг,
Тегса кафгир сенга, куйдурма кўлунг,

Кимки огзидин дури мадхинг сочар,
Амин ўлма хам ёмонлашга очар.

Ким шужо ўлса, ўзин хифзин этур,
Кўркок эрга осмондин ўк етур.

Ёвари йўкка тушодур можаро,
Ёрдами йўк хор ўлодур халк аро.

Бесўрог иш дилни гамнок айлагай,
Роҳ зангин машварат пок айлагай.

Машварат бирла сахий маргуб эрур,
Икки илм, албатта, бирдин хўб эрур.

Ким бузулгай, козиликка сайланур,
Тевага етса ажал, чох айланур.

Тўгри бўлсанг, сен сочок бўл доимо,
Эгри бўлсанг, сен ўрок бўл доимо.

Тил кесилса, сенга сўзингдин эрур,
Окса кон бурнингдин, ўзингдин эрур.

Ким сукут этса, надомат кўрмагай,
Фикрсиз сўздин саломат кўрмагай.

Аччнк ўлгай пулга келса, хар чи хаст,
Сиркаи муфт аз асал ширинтар аст.

Йўк хўкиз деб, бор улокдин кечмагил,
Шох учун хардек кулокдин кечмагил.

Кўчада ким мадх этодур хотунин,
Баззоз этгай айблик ўлгон тўнин.

Хамрох кил ўзингга одамидурур зангн,
То нагма машваратда туз оханги.

Койда эса ёлгиз от, чикмас чанги,
Чанги чикса, чикмагай анинг донги.

Толеъ оники кабул айлар рови,
Бечорани ови юрса, юрмас дови.

Иш бўлмаса, қўлда бог бўлса, чидамас,
Нахли ани барча ёг ўлса, чидамас.

Озор йўлига бир кадамдур юрма,
Отингни ситамни кўчасига бурма.

Кўрсангки биров хазин эса пишкурма,
Бир сўхта устига намакоб урма.